




Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

**Марказий банк асосий
ставкасини кўриб чиқиш бўйича
Бошқарув йиғилиши
яқунлари юзасидан
Матбуот анжумани**


2021 йил 29 июль



Инфляцион кутилмалар




Сезилган инфляция даражаси




Инфляциянинг асосий компонентлари

Йиллик кўрсаткич, фоизда



Ойлик кўрсаткич, фоизда





2021 йил июнь ойи якунлари бўйича йил бошидан инфляция даражаси **4,4 фоизни** ташкил этди ва йиллик инфляция даражаси **10,9 фоизга** тенг бўлди.

Асосий товар ва хизматлар нархлари ўзгариши

Товар ва хизматлар	2020		2021	
	Январь-июнь	Июнь (Йиллик)	Январь-июнь	Июнь (Йиллик)
Умумий инфляция	4.6	14.2	4.4	10.9
Озиқ-овқат маҳсулотлари	6.2	18.8	5.7	14.7
Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	3.6	9.4	3.0	8.2
Хизматлар	3.1	12.8	4.1	8.1
Олий навли буғдой уни	9.1	39.3	2.2	4.9
Гўшт маҳсулотлари	7.5	27.1	3.6	14.5
Мол гўшти (суяксиз)	8.3	27.2	3.3	15.7
Парранда гўшти	3.0	24.1	7.2	8.1
Тухум	8.1	50.8	-10.5	14.0
Ёғ-мой маҳсулотлари	5.7	0.0	28.9	47.2
Қунгабоқар ёғи	6.6	11.1	31.3	61.8
Пахта ёғи	4.2	7.3	26.8	61.0
Мевалар	21.3	17.7	16.8	12.1
Олмалар	26.4	82.2	31.1	0.6
Лимонлар	135.1	142.6	22.2	-5.4
Сабзавотлар	-31.2	-19.6	-51.4	26.7
Сабзи	19.2	-19.3	193.7	220.9
Картошка	38.3	61.1	-8.2	-5.7
Шакар	4.6	16.6	14.7	33.3
Тамаки маҳсулотлари	6.3	14.2	9.1	14.4
Спиртли ичимликлар	3.5	10.6	4.5	8.9
Қурилиш моллари	5.6	10.1	3.5	9.0
Цемент	10.8	16.6	0.0	7.5
Дори-дармон	7.8	14.3	4.0	9.5
Автомобил учун ёқилғи маҳсулотлари	-6.1	9.8	8.1	22.8
Бензин	-11.8	3.4	17.0	38.8
Метан	0.7	20.7	3.3	4.6
Пропан	-5.8	1.3	-4.9	36.9
Шахарлараро автобус хизмати	0.2	11.2	6.9	13.5
Тиббий лаборатория хизмати	7.2	13.0	8.1	15.6
Мехмонхона хизматлари	5.4	14.5	11.7	16.2


Базавий ва қисқартирилган инфляция динамикаси



2021 йилнинг II чорагида базавий инфляция кўрсаткичи пасаявчи динамикага эга бўлиб, июнь ойи якуни бўйича йиллик **10,2 фоизни** ташкил этди ва унинг умумий инфляцияга ҳиссаси **7,8 фоиз** бандгача камайдди (март ойида – 8,8 фоиз банд).

Қисқартирилган инфляция кўрсаткичи ҳам пасаявчи динамикани намоён этиб, июнь ойи якуни бўйича йиллик **7,9 фоизгача** секинлашди (март ойида – 9,6 фоиз).

Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари тикланмоқда




2021 йилнинг I ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг **реал ўсиши** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **6,2 фоизни** ташкил этди.


Шундан, саноат **8,5 фоизга**, хизмат кўрсатиш **18,3 фоизга**, қишлоқ хўжалиги **1,8 фоизга** ва қурилиш ишлари **0,1 фоизга** ўсди.

Истеъмол талаби тикланиб, харажатлар ошмоқда

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши




Чакана савдо айланмаси ҳажми динамикаси



2021 йилнинг I ярим йиллигида иқтисодиётда истеъмол талаби ҳажмининг ўсиб бориши билан

- истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **7,7 фоизга** ошди.
- чакана савдо айланмаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **9 фоизга** ошди.

Асосий капиталга инвестициялар ҳажми ва манбалари



Асосий капиталга йўналтирилган **инвестициялар** ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **5,9 фоизга** ошди ва **103,1 трлн. сўмга** тенг бўлди. Асосий капиталга йўналтирилган жами инвестицияларнинг **16,1 фоизини** марказлашган инвестициялар ва **83,9 фоизини** марказлашмаган инвестициялар ташкил этди.

Иқтисодиётга кредитларнинг ажратилиши

Кўрсаткичлар	2019 йил январь-июнь	2020 йил январь-июнь	2021 йил январь-июнь
Ажратилган кредитлар (трлн. сўмда)	69,9	58,6	79,1
Ўзгариши, фоизда (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан)	56,2%	-16,2%	35,0%
Шундан, хорижий валютада ажратилган кредитларнинг улуши, фоизда	41,9%	38,2%	44,5%

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида тижорат банклари томонидан иқтисодиётга **79 трлн. сўмлик** (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **35 фоизга** кўп) кредитлар ажратилди. Шундан, **хорижий валютада** ажратилган кредитларнинг улуши **44,5 фоизни** ташкил этди.

Иқтисодиётга кредит қўйилмалари қолдиғи

Кўрсаткичлар	2019 йил январь-июнь	2020 йил январь-июнь	2021 йил январь-июнь
Кредит қўйилмалари қолдиғи, трлн. сўмда (давр охирига)	171,8	247,1	304,8
Ўзгариши, фоизда (йил бошига нисбатан)	27,4%	18,4%	8,7%
Ўзгариши, трлн. сўмда (йил бошига нисбатан)	36,9	38,4	24,5

Шундан:

Миллий валютадаги кредитлар	16,7	15,7	12,6
Хорижий валютадаги кредитлар	20,2	22,7	11,8


Ташқи савдо амалиётлари

(млн. АҚШ доллар)


Давр	Экспорт (олтин ва газни ҳисобга олмаганда)	Импорт
2021 йил I ярим йиллиги	5 452	10 957
2020 йил I ярим йиллиги	3 952	9 583
2019 йил I ярим йиллиги	5 090	11 263

2021 йилнинг I ярим йиллигида **экспорт** ҳажми (олтин ва газни ҳисобга олмаганда) **5,5 млрд.** долларни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **38 фоизга** ортиқни ташкил этган бўлса, **импорт** ҳажми **11 млрд.** долларга (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **14,3 фоизга** ортиқ) тенг бўлди.

Трансчегаравий пул ўтказмалари (млн. доллар)



Аҳоли билан валюта амалиётлари (млн. доллар)




2021 йилнинг дастлабки 6 ойида мамлакатимизга трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми **3,3 млрд.** долларни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **36 фоизга** ортиқни ташкил этди. 2021 йил давомида трансчегаравий пул ўтказмаларнинг ўтган йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи **10-12 фоиз атрофида** бўлиши прогноз қилинмоқда.


Шунингдек, аҳоли билан валюта амалиётларида ҳам **ижобий тафовут** кузатилиб, миллий валюта алмашув курсига **мувозанатлаштирувчи таъсир** кўрсатди.

Янгиланган иқтисодий ўсиш прогнозлари

Ишлаб чиқариш тафовути



ЯИМнинг реал ўсиш прогнози




2021 йилнинг II ярим йиллигида иқтисодий фаолликнинг жорий суръатлари сақланиб қолган шароитда **ишлаб чиқариш манфий тафовутининг** аста-секин қисқариб бориб, **йил сўнгигача ёпилиши** прогноз қилинмоқда.

2021 йил якунлари бўйича ЯИМ ҳажмининг реал ўсиши биринчи чорак якунлари бўйича прогноз қилинган дастлабки (4,5-5,5 фоиз) кўрсаткичлардан **1,0-1,3 фоиз** бандга юқори бўлиб, **5,8-6,8 фоиз** доирасида бўлиши кутилмоқда.

Янгиланган макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозлари

Кўрсаткичлар	2020 йил (факт)	Дастлабки прогноз	Янгиланган прогноз
Инфляция даражаси	11,1	9-10	9-10
Ялпи ички маҳсулот	1,6	4,5-5,5	5,8-6,8
Якуний истеъмол харажатлари	2,7	4,3-5,3	7-8
- уй хўжаликлари	3	4,5-5,5	7,5-8,5
- давлат бошқаруви органлари	2	6-6,5	7-8
Асосий капиталга инвестициялар	-8,2	2-4	13-18
- марказлашган	-34,9	2,5-4,5	24-26
- марказлашмаган	2	1,5-3,5	10-16
Экспорт (олтинсиз)	-25,7	8-10	20-25
Импорт	-12,8	6-8	12-15
Кредит қўйилмалари ўсиши	34,3	20-22	16-20
Умумий фискал дефицит (ЯИМга нисбатан фоизда)	4,5	4,4-5,5	4,4-5,5


Банклараро пул бозори



Банкларнинг пул бозоридаги фаоллигининг сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Хусусан, II чоракда пул бозорида жами **21,7 трлн. сўм**лик ёки I чоракка нисбатан **39,1 фоизга** (13,9 трлн. сўмга) кам депозит операциялари амалга оширилди.

Ликвидлик таркибий профицитининг ўсиб бориши билан июнь ойида ўртача тортилган фоиз ставкалари **11 фоизгача** пасайди.

UZONIA (1 кунлик) ва UZWIA (2-7 кунлик) индекслари



Банк тизими умумий ликвидлигининг сезиларли ортиши II чорак давомида “Uzonია” ва “Uzwia” индексларининг фоиз коридорининг қуйи чегарасидан ҳам пасайиб кетишига сабаб бўлди.

Йиғилиш яқунлари бўйича

Иқтисодиётда **нархларни оширувчи хатарларнинг ортиши** ва пандемия билан боғлиқ вазиятнинг кескинлашиб бориши шароитида жорий йил учун инфляциянинг прогноз кўрсаткичларига эришиш ҳамда иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш ўртасидаги мувозанатни таъминлаш мақсадида:

- Йил якуни бўйича инфляция прогнозини **9-10 фоиз** доирасида;
- Марказий банк асосий ставкасини **йиллик 14 фоиз** даражасида ўзгаришсиз қолдирилди.

Йиғилиш яқунлари бўйича

Банклараро пул бозори фоиз ставкаларининг Марказий банк фоиз коридори доирасида шаклланишини таъминлаш, пул-кредит инструментларининг банк тизими ликвидлигини тартибга солишдаги ролини ошириш ҳамда юзага келаётган монетар омилларнинг валюта бозори барқарорлигига ва ички нархлар барқарорлигига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида 2021 йилнинг 30 июлидан бошлаб:

- Асосий ставка фоиз коридорини **±2 фоиз банд** этиб белгиланди ҳамда овернайт РЕПО ва СВОП операциялари **йиллик 16 фоиз** ставкасида ва овернайт депозит операциялари **йиллик 12 фоиз** ставкасида ўтказилади;
- Марказий банкнинг тижорат банклари билан овернайт депозит операциялари чекловларсиз амалга оширилади.

Йиғилиш яқунлари бўйича

Банк тизими умумий ликвидлиги динамикасининг жорий ўзгаришларига пул-кредит сиёсати инструментларини мувофиқлаштириш мақсадида:

- тижорат банкларининг миллий валютадаги депозитлари учун Марказий банкда шакллантириладиган мажбурий резервлари нормативини **4 фоиз**, чет эл валютасидаги депозитлари учун эса **18 фоиз** даражасида белгиланди;
- тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари миқдорига нисбатан **ўртачалаш коэффициентини** жорий **0,75 дан 0,8 гача** оширилди.